

## Ўз меҳнати, ўз тадбиркорлиги билан даромад топаётган одам мустақил ва эркин бўлади

Болаларини ҳам шундай фикрда, шундай руҳда тарбиялайди. Юртимизда тинчлик-осойишталик бўлса, давлатимиз шу сиёсатни давом эттирса, ҳар бир одам мен ўз меҳнатим билан ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ишонч билан яшайди.



### Ифтихор

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, глобал ҳаётда иқтисодий-технологик ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридagi ўз позициясини мустаҳкамлади. Бу даврда мамлакатимиз ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсгани, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми эса 13,9 фоизга ошгани ана шундан далолат беради.



### Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

Жиззах туманидаги "Кашмир текстиль" қўшма корхонаси Обод турмуш йилини янги турдаги маҳсулот тайёрлаш билан бошлади.

### Янги маҳсулот, дастлабки харидор

Натижада вилоятда фаолият кўрсатаётган гилам ишлаб чиқарувчи корхоналарни импорт ўрнини босувчи хом ашё — акрил ип билан таъминлаш имконияти яратилди. Шу пайтгача мазкур маҳсулот Хитой, Беларусь каби хорижий мамлакатлардан келтирилган эди.

— Йилга 1200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонамизни ишга тушириш учун 450 минг АҚШ долларлик чет эл инвестицияси жалб қилинди, — дейди "Кашмир текстиль" ижрочи директори Ҳаёт Облоқулов. — Дастлабки харидорларимиз вилоятимиздаги "Евроазия карпет" қўшма корхонаси ва "Жизантеп" масъулияти чекланган жамияти бўлди.

Айни пайтда корхонада Зиёкор қишлоғида яшовчи 35 нафар хотин-қиз ва коллеж битирувчиси меҳнат қилаётган бўлса, яқин кунларда уларнинг сафига яна 25 киши қўшилиши.

У. АДИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Саноат учун махсус қурилма

Олмалик кон-металлургия комбинатида корхона мутахассисларининг инновацион лойиҳаларидан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда кенг фойдаланилмоқда.

Хусусан, яқинда комбинатнинг Саноат темир йўл транспорт бошқармаси мутахассислари Рашид Узоқов, Баҳром Усаров ҳамда Фанил Гатиятуллин томонидан комбинат темир йўл транспортларини бошқариш тизимининг электрон чизмаси яратилди. Салкам 4 мингга ёриткичга эга бўлган мазкур қурилма электронвоз машинистларига иш жараёнига оид билим ва қўникмаларини янада мустаҳкамлашда катта ёрдам беради.

Айни пайтда мазкур қурилма бошқарма қошида ташкил этилган махсус ўқув-машулот мажмуасига ўрна-тилган бўлиб, у комбинат темир йўлчиларининг иш самарадорлигини таъминлашда катта қулайлик туғди-рмоқда.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Тезкор ва аниқ таҳлил

Самарқанд давлат университети олимлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибидagi нитрат миқдорини аниқловчи мослама яратдилар.

"Нитрат-тест" деб ата-лувчи мазкур индикаторли тасма ёрдамида атиги 2-3 дақиқада таҳлил натижалари-ни билиш мумкин.

Лойиҳа раҳбари Дмитрий Аронбевнинг таъкидлаши-ча, ушбу мослама мураккаб таҳлилий ишларга ҳожат қолдирмайди. Қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотлари харидо-ри ҳам бундан ҳеч қандай қўмағисиз амалга ошириши мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳа-ти, илмий ишланма нафақат озиқ-овқат ва қишлоқ хўжа-лик маҳсулотлари, балки ту-роқ ҳамда сув таркибидagi нитрат миқдорини ҳам тез-да аниқлаб бера олади.

М. ЗИЁДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўлга киритилган мазкур ютуқларда, табиийки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Ўтган йили республикамиз бўйича тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад 51 фоизни ташкил қилгани, бошқача айтганда, одамларимиз даромадининг ярмидан кўпи, биринчи навбатда, тадбиркорлик, кичик бизнес ҳисобидан шаклланиши шундай дейишимизга асос бўла олади.

Қўйида соҳа вакилларининг эътиборингизга ҳавола этилаётган дил сўзлари ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

**Бахшулла ЖУМАЕВ,**  
Бухоро шаҳридаги "Совға" оилавий корхонаси раҳбари,  
"Шухрат" медали соҳиби:

— Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни кичик бизнес раванқисиз тасаввур этиш қийин. Негаки, бу соҳа оилавий даромад манбаи, фаровон турмуш кафолати бўлиб, у кириб бормаган тармоқ қолмади ҳисоб.

Бизнинг оилавий устaxonамиз дастлаб зардўзлик маркази сифатида ташкил этилган эди. Бироқ бозор талабидан келиб чиқиб, зардўзликни ривожлантириш баро-бариди, халқ амалий санъатининг

миниатюра рассомчилиги каби бошқа турларини ҳам ўзлаштирдик. Турмуш ўртоғим Муқаддасxon мо-ҳир зардўз, ўғилларим Бобуржон ҳамда Нодиржон рассом ва заргар, қизим Дилнозахон эса дизайнер эмасми, уларнинг ҳар бири шу ерда эмин-эркин фаолият кўрсатиб, ўз иқтидорини рўйбга чиқарапти. Мил-лий хунармандчилигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаб, уни дунёга танитишга муносиб улуш қўшаяпти.

Оилавий хунармандчиликнинг ис-тиқболли эканлигига ўтган даврда беш юз нафардан зиёд шогирд тай-ёрлаганимиз далил бўла олади. Уларнинг аксарияти коллежларда

### Ўтган йили республикамиз бўйича тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад

# 51

ФОННИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.

таҳсил олган ёшлар эканлиги, кўпчи-лиги мустақил иш юритиб, ўз хуна-ри ортидан мўмай даромад топаёт-гани қувонарлидир.

Корхонамиз қадимий ва навқир-он Бухоро шаҳрининг марказида жойлашган. Бу ерга ҳар куни ўнлаб хорижий сайёҳлар келишади. Улар ишимизни диққат билан кузатиб, ҳайратга тушганларини яшира ол-майдилар. Аиниқса, халқаро кон-ференция иштирокчилари Бухоро-га ташрифи чоғида оилавий уста-

хонамиз ва зардўзлик буюмлари-дан иборат мўъжаз музейимизни томоша қилишганда, ростки, гурур-ланиб кетдик. Бундан руҳланган шогирдларимиз эса меҳмонларга ўз маҳоратларини амалда намойиш қилдилар. Мен, ўз навбатида, уларга аждоқларимиздан мерос тадбиркорлик анъаналари муста-қиллик шарофати туйфайли жадал ривожланаётгани, оилавий хунар-мандчилик ортидан орзуларимиз ушалаётгани ҳақида сўзлаб бердим. Бунда, авваламбор, Президентимиз ташаббуси билан халқ амалий санъати усталарига яратилган қулайлик ва имтиёзлар рағбатлан-тирувчи омил бўлаётганини алоҳи-да қайд этдим.

Шу маънода, дунёдаги энг бахт-ли инсонлардан бириман, десам, асло адашмаган бўламан. Бахтим шундаки, Ўзбекистондек жаннатмо-нанд юрда тугилганман. Зардўзлар сулоласининг бешинчи вақилиман. Қолаверса, фарзандларим хуна-р этагидан тутиб, кам бўлмаётганини

кўриб, кўнглимда шукроналик ҳис-сини туяман.

Яна бир бахтим шундаки, дунё-нинг йиғирмадан зиёд давлатида маҳсулотларимизни намойиш этдик. 1994 йили Покистонда бўлиб ўтган "Усталар иш устида" халқаро фести-валида биринчи даражали диплом билан тақдирланган бўлсам, 2003 йилда марказимиз "Сифат Олтин юлдузи" халқаро танловида голиб, деб топилди. "Ташаббус" республи-ка кўрик-танловида эса "Энг яхши хунарманд" сифатида Президент совғасига сазовор бўлдим.

Буларнинг бари, шубҳасиз, истиқ-лол шарофатидан. Бинобарин, Юртбошимиз айтганидек, ўз меҳна-ти, ўз тадбиркорлиги билан даро-мад топаётган одам мустақил ва эр-кин бўлади. Болаларини ҳам шундай фикрда, шундай руҳда тарбиялайди. Шукр, юртимизда тинчлик-осойиш-талиқ ҳукмрон, ҳар бир одам меҳна-ти билан ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ишонч билан яшамоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятлари Австрияда муҳокама этилди

Юқори Австрия федерал ўлкасининг маъмурий маркази — Линц шаҳрида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва Обод турмуш йили доирасида белгиланган вазибаларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

### Биз ва жаҳон

Ўзбекистон Республикаси-нинг Венадаги дипломатия миссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Австриянинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Брифингда иқтисодий та-раққиётнинг "Ўзбек модели"-

ни ҳаётга татбиқ этиш, мам-лакатни ислоҳ қилиш ва мо-дернизациялашнинг асосий босқичлари ҳамда таъминла-лари, кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорликини қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб-борилаётган давлат сиёсати билан боғлиқ маълумотларга алоҳида ургу берилди. Шу-нингдек, асосан, юқори тех-нологиялар саноатига хори-

жий сармояларни жалб этиш учун соддалаштирилган тар-тибот ва рағбатлантирувчи шароитларга эга бўлган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрн" махсус индустриал зонаси фаолияти тафсилотлари ҳам қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

## Ободлик ва фаровонлик гарови

Аҳолининг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ҳал этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш, шубҳасиз, ободлик ва фаровонлигимиз гарови ҳисобланади.

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Шу боис ҳам ўтган йилда халқимизнинг "Меҳнатдан кел-са бойлик — турмуш бўлар чи-ройлик" деган мақоли замири-да мужассам бўлган ҳақиқатни рўйбга чиқаришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга

оширилди. Президентимиз Конституциямиз қабул қилин-ганининг 20 йиллигига бағиш-ланган маросимдаги маъруза-сида эътироф этганидек, бу даврда кичик корхона ва мик-рофирмалар ташкил этиш

ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд иш ўрин-лари яратилди. Айни чоғда 107 мингдан ортиқ ёшлар тур-ли корхоналарга ишга жой-лаштирилди, 19 мингдан зиёд ўғил-қизлар зарур касбларга

(Давоми 2-бетда).

## ЕХХТ делегациясининг учрашувлари

Мулоқот чоғида Ўзбеки-стон билан ЕХХТ ўртасида-ги ҳамкорлик кўплаб йўна-лишлар қатори хавфсизлик соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани, ҳамкорликда истиқболли қўшма лойиҳа-лар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республика-си Ички ишлар вазирлиги ва ЕХХТ ўртасидаги ҳам-корлик изчиллик билан амалга ошириб келинмоқ-да. Бу борада ички ишлар ходимларининг малакасини ошириш, семинар-тренинг-лар ўтказиш, тегишли ҳуж-жатлар ва адабиётлар чоп этиш ҳамда давлат идора-лари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкор-лик механизмининг самара-

дорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратил-моқда. Хусусан, 2009 — 2012 йилларда мазкур таш-килот билан ҳамкорликда ўттизга яқин семинар ва тренинглар ўтказилди.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида фаолият юри-таётган Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази ЕХХТ билан ҳамкорликда ташкил этилган. Замона-вий ахборот технологияла-ри билан таъминланган ушбу марказнинг компю-терлар базасида миллий қонунчилик асослари, ин-сон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида қабул қилинган халқаро аҳамиятга молик ҳужжатлар жамланган.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Бош қотиби Ламберто Занниер раҳбарлигидаги делегация 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.

# Ўз меҳнати, ўз тадбиркорлиги билан даромад топаётган одам мустақил ва эркин бўлади

Болаларини ҳам шундай фикрда, шундай руҳда тарбиялайди. Юртимизда тинчлик-осойишталик бўлса, давлатимиз шу сиёсатни давом эттирса, ҳар бир одам мен ўз меҳнатим билан ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ишонч билан яшайди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## Алижон АБДУРАЗЗОКОВ, Учкўприк туманидаги "Меҳригё" кичик корхонаси раҳбари:

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган киши сира кам бўлмастлигига ўз фаолиятим мисолида тўлиқ амин бўлдим. Гап шундаки, шу соҳада меҳнат қилиб, элга танилдим. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида "Шухрат" медали билан тақдирландим.

Корхонамиз илгари олти нафар ишчи билан 4-5 турдаги доривор ўсимликлардан маҳсулотлар ишлаб чиқарган бўлса, ҳозир бу ерда 60 киши меҳнат қилаёпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури эса 100 дан ортиқ кетди. Утган йили 70 миллион сўмлик кредит ҳисобидан доривор ўсимликларни тозалаш, қадоқлаб берадиган янги линия олиб келиб ўрнатдик. Замонавий модернизация шарофати билан 30 турдаги биологик қўшилма, 42 хил истеъмол чойи, 18 турдаги шифобахш ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи янада кўпайтириш ниятидамиз.

## Умида АБДУЛЛАЕВА, Чортоқ туманидаги "Уста адаш Абдулла Карим" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечиршимиз учун барча шароит ва имкониятлар яратилди. Ҳалол меҳнат қилиб, юқори даромад олишга кенг йўл очилди. Биргина тадбиркорлик фаолиятини олиб кўрайлик. Бугун аҳолининг салмоқли қисми ана шу соҳада меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонда кичик бизнес ривожини, унинг фаровон ҳаёт кечирishi манбаига айланб бораётгани эса дунё миқёсида ҳақиқат равишда эътироф этилаётди. Буни давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қайд

этганидек, ўтган йили Ўзбекистон бизнесини юртимиз бўйича рейтингда 14 ўрни қорига кўтарилганидан ҳам аяқол билиб олиш мумкин.

Биз маҳалламизда бир неча йилдан бери бўш турган бинони инвестиция қиритиш шарти билан тасарруфимизга олиб, унинг негизда замонавий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этганмиз. Аникроқ қилиб айтганда, 500 миллион сўмлик сармоғи эвазига хориждан илгор технология келтириб, йилига 10 минг дона тикувчилик маҳсулотлари тайёрланадиган янги цехни ишга туширдик. Натижада ички бозорга 12 турда болалар ва катталар кийимларини чиқариш имконияти яратилди. Энг муҳими, ўзига мос иш қидириб юрган ёшлардан 50 нафарини бичиш-тиқиш, дазмоллаш юмушларига жалб этиб, уларни кафолатланган даромад манбаи билан таъминладик.

2013 йилни ҳам янги лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш билан бошладик. Унга кўра, қостюм-шим тикиш ва метталарга ишлов бериш йўлга қўйил-

ди. Натижада жамоамизга яна 6 киши қўшилди.

Айни чоғда кийимларга гул босиш, тўқув технологиясини келтириш мақсадида хорижий компаниялар билан 70 минг АҚШ долларлик шартнома-ни имзолаш ҳаракатидамиз. Мазкур лойиҳа рўёбга чиқиси билан 30 та қўшимча иш ўрни ташкил этилиб, маҳсулотимиз ҳажми икки бараварга ортади.

## Ўткрбек РАҲМАТУЛЛАЕВ, Ангрн шаҳридаги "Алтендорф" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Президентимиз томонидан 2013 йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берилгани айни муддао бўлди. Негаки, бу оилалар мустақамлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш борасидаги эзгу ишларимиз бардовам бўлишини ифода этади.

Ўз фаолиятим мисолида айтдаган бўлсам, корхонамизда тайёрланаётган уй-ўзғор ва идоралар учун мўлжалланган мебель жиҳозлари ички бозорда аллақачон ўз харидорини топиб улгурган. Бу, албатта, ёшлардан иборат аҳил жамоамизнинг маҳсулотни жаҳон андозаларига мувофиқ, юқори сифат ҳамда бежирим дизайн асосида ишлаб чиқариш йўлидаги изланишлари самарасидир.

Корхонамиз замонавий мебелсозлик ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, айни пайтда 10 нафардан зиёд маҳалладаш уларимиз "Устоз — шоғирд" уянаси асосида ҳам



хунар ўрганишаёпти, ҳам даромад топишаёпти. Улар томонидан тайёрланаётган ийгирма турга яқин мебель жиҳозлари, аynиқса, хорижийдан асло қолишмайдиган ошхона, меҳмонхона, ётоқхона тўпламлари, шунингдек, кичикнотларга мўлжалланган анжомларнинг бозори чаққон.

Ҳозир ташқи савдо компанияларнинг таклифлари устида иш олиб бораёلمиз. Мақсадимиз — яқин орада маҳсулотларимизни "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида хориж мамлакатларига ҳам жўнатишдир.

## Иброҳимжон СУЛТОНОВ, Қўштепа туманидаги "Чимкент султонлар гилами" хусусий корхонаси раҳбари:

— Бугун тадбиркорларимиз дунё кезаяпти, десам, муболага бўлмайди. Кўни кеча Германия давлатида бўлиб ўтган халқаро армаркада иштирок этиб келдим. Унда корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган ипак гиламларни катта қизиқиш билан кутиб олишди. Хорижлик бир қатор фирмалар билан шартнома имзоладик. Энг муҳими, замонавий дастгоҳлар сотиб олиш бўйича келишувга эришдик.

Ҳозирги кунда корхонамизда 300 нафардан зиёд кишлоқ қизлари меҳнат қилаёпти. Улар томонидан тайёрланаётган, товусдай товганиб турган ипак гиламларга ҳамма ҳава-си келмоқда. Якунланган йилда хорижлик буюртмачиларга 40 минг долларлик маҳсулотни экспорт қил-



Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ЕХҲТ делегациясининг учрашувлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида бўлган учрашувда терроризм, экстремизм ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда Ўзро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЕХҲТ Бош қотиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, қонунийликни янада мустаҳкамлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан олиб борилаётган ишчи ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Терроризм, одам савдоси, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси каби халқаро таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашишга доир масалалар муҳокама қилинди.

ЕХҲТ делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан ҳам уч-

рашди. Музокарада мамлакатимизда қонунийлик, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, сиёсий партиялар фаолиятига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида изчил амалга оширилаётган ислохотлар муносиб ва барқарор ривожланишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

— Ўзбекистон — Марказий Осиё давлатлари йилида ЕХҲТ билан энг яқин ҳамкорлик ўрнатган мамлакат, — деди ЕХҲТ Бош қотиби Ламберто Занниер. — Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида терроризм, одам ва гиёҳванд моддалар савдоси катта таҳдид солаётди. Бу эса мазкур иллатларга қарши ҳамкорликда курашишни талаб этади. ЕХҲТ истиқболда хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарлик, одам савдосига қарши курашиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятида.

ЕХҲТ Бош қотиби шу кунги мамлакатимизнинг бошқа идора ва ташкилотларида ҳам учрашувлар ўтказди.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

## Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятлари Австрияда муҳокама этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда сўзга чиққан Юкори Австрия Федерал ўлкасининг губернатори Ж. Пюррингер Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юксак баҳолар экан, "Обод турмуш йили" деб эълон қилинган 2013 йилда ҳаётга жорий этилиши режалаштирилган чора-тадбирлар мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёт тарзини янада яхшилашдек улғу мақсадга хизмат қилишини эътироф этди.

Ж. Пюррингернинг сўзларига қараганда, мамлакатнинг sanoat марказларидан бири ҳисобланадиган Юкори Австрия ўлкаси Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга тайёрдир. У ҳар икки томоннинг улкан салоҳиятга эга эканлиги хусусида атрофлича тўхтади. Ж. Пюррингер Ўзро ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлар экан, муқобил ва қайта тикланган энергия, машинасозлик, дори-дармон ва кишлоқ ҳўжалиги сингари устувор соҳаларга алоҳида эътибор қаратди.

Юкори Австрия Федерал ўлкаси мунтакавий маъмуриятининг халқаро бўлими вакили Р. Рунтенберг Ўзбекистон ва Австрия халқлари кўна тарихи ва бой маданияти хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. У маданий-гуманитар алоқаларни жаддалаштириш икки томонлама ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири саналганини қайд этди.

Брифинг якунида қўшма маданий тадбирларни, шу жумладан, "Юкори Австрияда Ўзбекистон кунлари"ни ўтказиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

«Жаҳон» АА.

## Дил сўзи

Ақлимни танибманки, ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан ҳикмат излаб яшашга одатланганман. Шунга монанд бугун эзгу ниятларим бирма-бир рўёбга чиқмоқда. Эртанги кунга ишонч билан интилиш, янги-янги орзуларни дилимга туғиб фақат олға одимлаш умрим мазмунига айланб қолди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикасини Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етилишнинг шарты ва гарови бўлган омишлар жуда кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи суюниб, рози бўлиб яшашда яққол намоян бўлади.

Бугун юртдошларимиз орасида ана шундай кўтаринки руҳ, пок ният билан ҳаёт кечираётганлар кўпчилик. Узим ҳам отам-мерос касб — деҳқончилик билан шуғулланиб, бирмунча

качилики ҳам ривожлантиришга киришдик. Бунда бизга "Микрокредитбанк"нинг кўмаги кўл келди. Уша йили 18 миллион сўм кредит олиб, Голландиядан қароқчининг тезпишар "Суперэлита" уруғлигини олиб келдик. Уни эканимиздан сўнг ҳар гектар ердан 26 тонна ҳосил олиб, 53 мил-

лион сўм даромад қилдик. Сўнгги икки йилда ҳосилдорлик 280 центнерга етказилди. 2012 йилда эса ҳўжалигимизда 145 центнер узум еттиштирилди. Ана шундай натижалар сабабли орттирган маблағимизга "Дамас" автомашинасини сотиб олдик. Бундан ташқари, ўзимизнинг худуддаги кам таъминланган оилалар ва Меҳрибонлик уйларига, озми-кўлими, ҳомийлик ёрдами кўрсатишга муваффақ бўлдик. Қишлоқимиз ободонаштиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдамиз. Албатта, бундай ижо-

бий кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бу биз каби фермер ва тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишимиз, мавжуд имтиёз-юз имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришимиз учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар самарасидир.

Ҳозир Обод оиламиз, фермер ҳўжалигимиз аъзолари билан бирга Обод турмуш йилида амалга ошириши мақсад қилган ишларимизни режалаштириб олдик. Улардан энг биринчиси, мева ва узумни қайта ишлайдиган замонавий минитехнологиялар ҳамда маҳсус совуқтиқлар оилга келиб, ҳўжалик қошида кичик корхона фаолиятини йўлга қўйилди. Насиб этса, деҳқончилик ва ишлаб чиқариш соҳасида янада улкан марраларни забт этиб, қайта ютуқларни қўлга киритиш ниятидамиз.

Насиб НУРОВА, «Йил аёли — 2012» миллий танловида гўлиби.

Ҳодисани тўхта этди. "Йил аёли" миллий танловида гўлиби, деб топилди, бош соврин — "Матиз" автомашинаси билан тақдирландим. Ҳаммасидан ҳам, мазкур танловда фермерликни ривожлантириш, жамиятда аёлларнинг ўрнини янада юксалтириш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича амалга ошираётган ишларим, муваффақиятларим алоҳида эътироф этилганлигидан бошим осмонга етди. Бундай рағбат юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган ҳар бир инсон учун катта ишонч, келажакдаги орзуларига қанот, десам, янгилишмаган бўламан.

Ҳозир Обод оиламиз, фермер ҳўжалигимиз аъзолари билан бирга Обод турмуш йилида амалга ошириши мақсад қилган ишларимизни режалаштириб олдик. Улардан энг биринчиси, мева ва узумни қайта ишлайдиган замонавий минитехнологиялар ҳамда маҳсус совуқтиқлар оилга келиб, ҳўжалик қошида кичик корхона фаолиятини йўлга қўйилди. Насиб этса, деҳқончилик ва ишлаб чиқариш соҳасида янада улкан марраларни забт этиб, қайта ютуқларни қўлга киритиш ниятидамиз.

Насиб НУРОВА, «Йил аёли — 2012» миллий танловида гўлиби.

«Шахрисабз туманидаги "Носиров Тура Улашов" хусусий корхонасида суддан беш турдаги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун корхонага банкнинг 90 миллион сўмлик кредити йўналтирилди. Ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан ўнга яқин иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш керакики, туман миқёсида ўтган йили айнан оилавий бизнесни ривожлантириш орқали 1547 та иш ўрни яратилган бўлса, кичик корхоналарни ташкил этиш ҳисобида 2902 кишининг бандлиги таъминланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Фонд томонидан маблағ ажратилди.

— Хотин-қизларни ишга жойлаштириш аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади, — дейди Фонд республика бошқаруви бош мутахассиси М. Арипова. — Шу мақсадда ўтган йил мобайнида жойларда учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказилди ва натижада кўплаб опа-сингилларимиз иш жойига эга бўлди. Чунончи, 1612 та маҳалла фуқаролар йиғинида яратилган 3133 та касаначилик иш ўрнида бугун улар самарали меҳнат қилишмоқда. Айни чоғда 1434 та маҳаллада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлга қўйилиб, уларга 27 мингдан зиёд хотин-қизлар бириктирилди. Эътиборлиси, эндиликда барпо этилаётган маблў қириш объектлари росман Ийрик корхоналардир. Масалан, Эллиқалъа туманидаги "Гулдирсин" овул фуқаролар йиғини худудида иш бошлаган тикув цехи ҳамда гўзалладан, термизлик Р. Бектемирова ва наманганлик М. Ишонбоевнинг хусусий тадбиркорлики йўлга қўйиши

нинг устига меҳнатимиз доимо эътироф этиб келинаётди. Хусусан, 2012 йилда вилоятда ўтказилган "Йил аёли" кўрик-танловида совриндорлар қаторидан жой олдик. Меҳрибонлик уйларида камолга етган ёшларни ишга жойлаштириш

масаласи мунтазам эътиборда бўлиб келаётгани ҳам диққатга сазовордир. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди маълумотига кўра, 2012 йил давомида бундай ёшлардан 131 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. Ҳўжалик қошида кичик бизнесга жалб этилди. Жумладан, термизлик Р. Бектемирова ва наманганлик М. Ишонбоевнинг хусусий тадбиркорлики йўлга қўйиши

Обод турмуш йилида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда шу орқали оилалар фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар янада жадвал ва изчил давом эттирилди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ушбу йил мустақиллик даврида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлиши инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан кадам бўлиб хизмат қиладди.

Зокир ХУДОЙШУКUROB, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ободлик ва фаровонлик гарови

— Маҳалламизда асрлар оша сақланиб келаётган миллий хунармандчилик турлари яқши ривожланган, — дейди Самарқанд туманидаги "Юкори Хўжа Соат" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи хунарманд Фарида Ашурова. — Айниқса, истиқлол йилларида ушбу хунарга ўргатиш маркази орқали 285 минг нафарга яқин кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари касб-хунар таълимига бириктирилди. Масалан, Фонднинг Фарғона вилояти бўлими қошида "Чарм гўл келажак"и шўъба корхонаси очилиши ҳисобига 28 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Яна бир мисол: Наманган шаҳридаги Беруний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида "Саодат" тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилиши муносабати билан 20 на-

фардан зиёд хотин-қиз ишга жойлашди. Пахтаобод туманидаги "Тўпажувоз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Хўлолхона Ашурова эса тикувчиликни йўлга қўйиб, 25 нафар қизнинг иш билан таъминланишига сабабчи бўлди.

— Маҳалламизда асрлар оша сақланиб келаётган миллий хунармандчилик турлари яқши ривожланган, — дейди Самарқанд туманидаги "Юкори Хўжа Соат" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи хунарманд Фарида Ашурова. — Айниқса, истиқлол йилларида ушбу хунарга ўргатиш маркази орқали 285 минг нафарга яқин кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари касб-хунар таълимига бириктирилди. Масалан, Фонднинг Фарғона вилояти бўлими қошида "Чарм гўл келажак"и шўъба корхонаси очилиши ҳисобига 28 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Яна бир мисол: Наманган шаҳридаги Беруний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида "Саодат" тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилиши муносабати билан 20 на-

фардан зиёд хотин-қиз ишга жойлашди. Пахтаобод туманидаги "Тўпажувоз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Хўлолхона Ашурова эса тикувчиликни йўлга қўйиб, 25 нафар қизнинг иш билан таъминланишига сабабчи бўлди.

Обод турмуш йилида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда шу орқали оилалар фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар янада жадвал ва изчил давом эттирилди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ушбу йил мустақиллик даврида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлиши инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан кадам бўлиб хизмат қиладди.

**ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ**

**юридик шахслар учун мўлжалланган куйидаги жозибадор корпоратив облигацияларни таклиф қилади:**

- **номинал қиймати** — 10 000 000,00 (ўн миллион) сўм;
- **муомалада бўлиш даври** — 1 820 кун;
- **даромад тўлаш даври (оралиқ давр)** — 91 кун;
- **даромадлилик даражаси** — ҳар бир оралиқ давр бошида амал қиладиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси минус 1 фоиз (йиллик фоиз ҳисобида);
- **чиқариш шакли** — ҳужжатсиз кўринишда.

*Корпоратив облигациялар бўйича ҳисобланадиган фойзалар ва облигацияларнинг номинал қиймати (сўндириш муддати келганда) чиқарилиш шартлари асосида, облигация эгаларига ўз вақтида, қонунийликда белгиланган тартибда тўлиқ тўлаб берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улуғлини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 8-бандида, тижорат банкларининг депозитлари ва қимматли қарз қозғаларига бир йилдан ортқ мuddатга жойлаштиришдан олинадиган фойзлик даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил мuddатга солиққа тортишдан озод этилиши кўзда тутилган.*

Кўшимча маълумотларни куйидаги телефон орқали олиш мумкин:  
(8-371) 150-98-19. Факс: (8-371) 150-89-52.

**«Universal Auktions Invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали**  
*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

2013 йил 26 февраль кунини соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига куйидаги автотранспорт воситалари куйилмоқда:

- Термиз шаҳар СИБ томонидан Термиз ҳарбий судининг 2012 йил 21 ноябрдаги 1-41-сонли ҳужмига асосан хатланган, Термиз гарнизони, ХАНда сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ 21063» русумли, давлат рақами 75 В 024 ВА.
- **Бошлангич баҳоси — 3 600 000 сўм.**
- Ангор тумани СИБ томонидан ЖИБ Ангор тумани судининг 2012 йил 4 майдаги 1-51-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани ИИБда сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия ДОНС» русумли, давлат рақами 01 Х 594 JA.
- **Бошлангич баҳоси — 25 200 000 сўм.**
- Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2013 йил 14 январдаги 1-166-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз божхона терминалида сақланаётган, «AUDI-100 PS» русумли, давлат рақами 75 D 531 BA.
- **Бошлангич баҳоси — 8 240 000 сўм.**
- Термиз шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Термиз тумани судининг 2012 йил 12 июлдаги 1-104-сонли ҳужмига асосан хатланган, Термиз гарнизони ХАНда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли, давлат рақами 75 G 652 AA.
- **Бошлангич баҳоси — 25 200 000 сўм.**
- Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 26 февралдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 15 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2013 йил 22 февраль ва 13 март кунлари соат 18.00.
- 2013 йил 12 февраль кунини соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган куйидаги автотранспорт воситалари куйилмоқда:
- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 2 августдаги 1-200-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ХАНда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли, давлат рақами 75 G 393 BA.
- **Бошлангич баҳоси — 21 060 000 сўм.**
- ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2012 йил 16 августдаги 1-63-сонли ҳужмига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ХАНда жарама майдончасида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли, давлат рақами 75 L 622 CA.
- **Бошлангич баҳоси — 20 250 000 сўм.**
- ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2012 йил 13 сентябрда 2-37-12-сонли ҳужмига асосан хатланган, Термиз шаҳар

Кўшимча маълумот олиш учун манзил: Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази».  
Телефон: (+99898) 100-86-86.

**«Universal Auktions Invest» МЧЖ Навоий вилояти филиали**  
*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

2013 йил 26 февраль кунини соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги (техник носоз) автотранспорт воситалари куйилмоқда:

- Зарафшон шаҳар СИБ томонидан хатланган: ЖИБ Самарқанд ҳарбий судининг 2012 йил 15 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «Форд транзит» русумли, давлат рақами 85 Q 581 BA.
- **Бошлангич баҳоси — 5 116 000 сўм.**
- ЖИБ Самарқанд ҳарбий судининг 2012 йил 14 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «Форд транзит» русумли, давлат рақами 85 Y 596 AA.
- **Бошлангич баҳоси — 5 022 000 сўм.**
- Учқудук шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Навоий ҳарбий судининг 2012 йил 4 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами номаълум бўлган «УАЗ-469 Б» русумли.
- **Бошлангич баҳоси — 1 480 000 сўм.**

Ушбу автотранспорт воситалари билан туман (шаҳар) суд ижрочилиги ва ағалик ташкилот вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур автотранспорт воситалари 2013 йил 26 февралдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 5 ва 12 март кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 6 февраль кунини соат 18.00.

Кўшимча маълумот олиш учун манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 23-уй.  
Телефон: (8-436) 224-84-38.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
**Навоий вилояти филиали**

**бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

1. Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 2 июлдаги 21-1206/4426-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Навоий тезкор курилиш» МЧЖга тегишли, Навоий шаҳри, 7-даҳа, П. Очилов кўчасида жойлашган, умумий майдони 402,89 кв.м., иши майдони 441,53 кв.м., 11 хонадан иборат бўлган, А-литерда жойлашган «Ешлар» қаҳвахонаси, савдо дўкони, оёқ кийимларини соғлаш устaxonаси ва сарторшохона биноси такроран куйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 187 500 000 сўм.**

2. Аукцион савдосига Нурота тумани СИБ томонидан ФИБ Кармана туманлараро судининг 2011 йил 26 сентябрдаги 21-1103/9404-сонли ижро варақасига асосан хатланган,

«Баҳри» ХФга тегишли, Нурота шаҳри, С. Сиддиков кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 4340,60 кв.м., курилиш майдони 513,68 кв.м., фойдали майдони 513,68 кв.м. бўлган «Нурота» меҳмонхона биноси такроран куйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 344 943 759 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 8 февраль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 6 февраль кунини соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Манзил: Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй.  
Тел.: (8-436) 224-44-01. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
**Самарқанд вилояти филиали**

**бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Урганч тумани СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2009 йил 10 февралдаги 2/192-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Урганч шаҳри, Почов кўчаси, 17-уйда жойлашган, «Рисола-НИЧОС»га тегишли, курилиш ости майдони 4834,33 кв.м. бўлган, Е литер остида қурилган, 3 қаватли, 187 та хонадан иборат савдо маркази арзонлаштирилган ҳолда такроран куйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 337 336 850 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 8 февраль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 6 февраль кунини соат 18.00.

**Талабгорлар диққатига!** Ушбу кўчмас мулк 2013 йил 8 февраль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 25 февраль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 22 февраль кунини соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» «Кўсарой» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй.  
Телефон: (8-366) 233-80-56.  
Расмий сайти: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

**«Polimer Group Asia» МЧЖ**

совуқ сув ва газ учун Ø 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан ишлаб чиқарилган, бурғилашдан кейин қуйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.

Шунингдек, Европанинг «Pitmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, Ø 63-1200 диаметргача бўлган пайвандлаш ускуналарини таклиф этади.

Кичик ҳажмларда SG-5 ёки K-67га тенг бўлган ПВХ хом ашёсини миллий валютада харид қилади.

**Шуоримиз — сифатли маҳсулот мижоз учун.**

Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03.  
Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pga.uz

**«SN INVEST» КОМПАНИЯСИ**  
**етказиб беради:**

- гўзапопа ўрайдиган комбайн
- ўт ўрайдиган комбайн
- макка ўрайдиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИП 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресс қиладиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- боғ ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка тарадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- бугдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб сугорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

**«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ»**  
**ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ**

Барча мулк шаклидаги курилиш ташкилотлари учун курилиш техникаси махсус транспорт курилиш асбоблари кичик механизация воситалари технологик жиҳозлар

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарада белгиланади.

**Лизинг 1 йилдан 5 йилгача**  
**Ижара 1 йилгача**

2013 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСINI ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАВЖУД ТЕХНИКА АНЖОМЛАР:

- ҚУВУР ЁТҚИЗГИЧ «PipeLineMan PMGY-70»;
- АВТОБЕТОН ҚОРУВЧИ ФИЛДИРАКЛИ «NOVO» (336 от кучига эга), V - 10 куб. м.;
- ЦЕМЕНТ ТАШИГИЧЛАР 45 куб. м.

ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:

- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМА БУ-0,5 М;
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛТАЛАР (ОТБойНЫЕ МОЛОТКИ);
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРИГИЧЛАР.

КЕЛИШИ КУТИЛАЁТГАН УСКУНАЛАР:

- «HYUNDAI» РУСУМЛИ ФИЛДИРАКЛИ ВА ЗАНЖИРЛИ ЭКСКАВАТОРЛАР.

Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.  
www.qurilish-lizing.uz  
E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулот сертифицикатланган.

Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-51-04. Моб.: 189-95-41, (+99890) 958-61-61. Тел./факс: (8-371) 250-51-04.

**САНОАТ КОРХОНАСИ**  
**бош энергетикнинг биринчи ўринбосари**

лавозимга ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

НОМЗОДГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

- соҳа бўйича олий маълумотга, муҳандис-техник ва раҳбар лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш
- хавфсизлик гуруҳи 5-даражадан паст бўлмаслиги
- Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

Иш ҳақи — сўхбат натижасидан кейин белгиланади. Келажакда лавозимда ушш имкониятлари мавжуд.

Шунингдек, юқори малакали электриклар ҳамда назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича (КИП ва А) созловчи-ишга туширувчилар ишга қабул қилинади.

Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Ходимлар бепул овқат ва транспорт билан таъминланадилар. Тошкент вилоятининг Чимен тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

МУЛОКОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:  
(8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97.

**СОТАМИЗ:**

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ\* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ВА КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР\*: турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовкинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА. Буюртма бўйича. Маҳсулот сертифицикатланган.

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.  
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.

e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР**  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15, 236-09-25.**  
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти Гулнора Усмоновага турмуш ўртоғи Рустам УСМАНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# ЭНГ ГУЛЛАГАН ЧОҒИМДА



Бугун барча ёшлар Ватанимиз тарихининг беқиёслигини, улук алломаларимиз жаҳонга илму маърифат тарқатганликларини яхши биладилар. Шу боис уларга муносиб ворис бўлиш мақсадида ўқиб-изланмоқдалар.

**Шижоат**

## Юрт шаънини улуғлаймиз

Она Ватанимиз тарихини янада теранроқ ўрганиш истаги менинг қалбимдан ҳам чуқур ўрин эгаллаган. Келгусида бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш, шу билан бирга, ўқувчиларга юртимиз тарихидан пухта таълим бериш орзусиданман. Ҳозир "Илк ўрта асрлар Хоразм шаҳарсозлигининг долзарб муаммолари" мавзусида илмий иш олиб бораёлман. Ҳар қадамда устозларим бу интилиш-

римни қўллаб-қувватлаб туришибди. Барча ёшлар қатори қалбимдан орзунияларим рўёбга чиқиши, шубҳасиз. Зеро, Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган юксак ишончи масъулиятимизни янада оширади, бизларга янги йил ва кўтаринки руҳ бахш этади.

**Нурбек МАТЎҚУБОВ,**  
Ургач давлат университети талабаси,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори.

Тошкентда 22-23 январь кунлари «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзолари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илмий ва маънавий-маърифий муассасалар мутахассислари, педагоглар, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳридан иқтидорли ёшлар вакиллари — давлат мукофотларига сазовор бўлган йигит-қизлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва махсус стипендиялар соҳиблари бўлган олий ўқув юртли талабалари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари анжуманининг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашди.

машиш, истиқболдаги илмий тадқиқотларимиз учун гоёлар олиш имконини берди.

**Азамат КАМОЛОВ,**  
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши раиси:

— Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари улкан интеллектуал иқдодий салоҳиятини ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодда бунёдкорлик руҳини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу ишларга ўз сафларидан миллионлаб ёшларни бирлаштирган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Улар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш жараёнида фаол иштирок этиб, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалий ишларни бажармоқда ҳамда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган қўллаб-қўйғуларни амалга оширмоқда.

Ушбу мавзу менинг Республика илмий-амалий анжуманидаги чиқишимнинг асосини ташкил этди. Ўз тадқиқотимда бугунги кунда ёшларимизнинг ишончли таянчи ва уларнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда ҳамфикр бўлаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси сингари нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил этишга ҳаракат қилдим.

**Дилноза КАТТАХОНОВА,**  
Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультети талабаси, Зулфия номдаги Давлат мукофоти совриндори:

— Анжуманда ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, муглола маданиятини юксалтиришга эътиборни қўйишга тобора долзарб аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, замон ҳар қанча тараққий этмасин, ёшлар онгу тафаккурини юксалтиришда китобнинг ўрни ва аҳамияти ўз қадрини йўқотмайди. Шу маънода, таълим масканларида оммавий китобхонлик тadbирлари ўтказиш, ёшларда китобга меҳр-муҳаббат туйғуларини қўйишга борасидаги тақдирлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга арзийди.

**Любовь БРОНИКОВА,**  
Қорақалпоғистон давлат университети 3-босқич талабаси:

— Бугунги ахборот технологиялари асрида атроф-муҳитнинг ўсиб келаётган авлодга кўрсатаётган таъсири сезиларли даражада кучайди. Замонавий ахборот технологиялари ёшларнинг интеллектуал даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча таълим муассасаларида юқори технологиялар соҳасининг илгор ютуқлари жорий этилмоқда. Хусусан, мактаблар босқичма-босқич компь-

ютерлаштирилмоқда, бунинг самарасида ёш авлодни баркамол шахслар этиб вояга етказиш таъминланмоқда, болаларнинг қобилияти ривожланиб, уларнинг ўқишга бўлган иштироки кучаймоқда.

«Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ахборот технологияларининг ўрни» мавзусидаги илмий мақолада таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилар эканман, ўқитиш услубларини ва ташкилий шакллари мазмунини яхшилаш бўйича ўз тақлифларимни билдирдим. Мазкур анжуман бизга тенгдошларимиз ва турли соҳа вакиллари билан ўзаро фикр ал-

**Алишер ТОЖИБЕВ,**  
Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси:

— Ҳозир мамлакатимиз ёшлари интернет ва мобил воситалардан кенг фойдаланмоқда. Аммо бу йўналишда ёлгон ахборотга маълиё бўлиб қолаётган тенгдошларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни бундай салбий иллатлар, жумладан, «оммавий маданият» таъсирдан асраш бизнинг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ахборот технологиялари соҳасининг бўлажак мутахассиси сифатида бундай муаммоларнинг олдини олиш борасида бир қатор дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга таъбиқ этиш юзасидан изланиш олиб бораёлман. Уларни рўёбга чиқаришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати менга яқиндан ёрдам бермоқда. Ушбу лойиҳам ёшларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самардорлигини ва билимларини оширишга хизмат қилади, деган умиддаман.

**ЎЗА мухбирлари,**  
Меҳрибон МАМЕТОВА, Сордор ТОЖИБЕВ,  
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.

# БИЛИМЛИ, ТАШАББУСКОР, ҒАЙРАТЛИ

баркамол авлод мамлакат тараққиётининг мустақкам пойдеворидир

**Жаҳонгир МАЛЛАБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бош услубчиси:

— Истиклолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар сиёсатида изчил ҳамда тизимли ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва бу давлатимизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг ҳозирги кунда жадал ривожланиётган ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги билимларни тўлиқ ўзлаштиришни назарда тутди. Компьютер, интернет ва юқори технологиялар соҳасининг илгор ютуқлари ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бироқ ҳар биримиз илмий-техник тараққиёт мақсудларидан оқилона фойдаланишимиз кераклиги тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Шу боис мен ёшларни ахборот уружларидан ҳимоя қилишга доир тадқиқот қилдим. Бу мавзу менинг Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўғрисида нашр этилган илмий мақоламга асос бўлди. Менимча, бу масала бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади, чунки қўллаб-қувватлаш, жумладан, Ўзбекистон ҳам унинг ечими бўйича амалий чоралар кўрмоқда. Мазкур анжуман тўғрисида мана шундай долзарб масалалар юзасидан ўз фикримни ифода этиш имконияти туғилганидан жуда хурсандман.

**Элдор ХАМРОЕВ,**  
Тошкент давлат юридик институти магистранти, 2011 йилги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳибчи:

— Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун барча зарур шароит яратилган ва бу ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилаётган чуқур ўйланган ҳамда тизимли ишловларнинг самарасидир. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда навқирон авлод вакиллариининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мазкур Қонуннинг устувор йўналишлари ҳисобланади. Ёш мутахассис сифатида мен ёшлар сиёса-

ти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани ўрнатишга жуда қизиқман. Тадқиқотларим натижалари «Ёшлар сиёсатининг конституциявий асослари» мавзусидаги илмий мақолада баён қилинган. Унда ёшлар сиёсатининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган қатор қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни шартли равишда гуруҳларга бўлишга ҳаракат қилганман. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши ҳамда уларнинг энг илгор иқдодий режалари ва гоёларини амалга оширишнинг

## Сўз — конференция иштирокчиларига

ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу борада ҳам муҳим қафолатлар берилган.

**Муҳаббат ТЕМИРОВА,**  
Навотий давлат кончилиқ институтининг катта ўқитувчиси:

— Мамлакатимизда ёшлар пухта билим олиши, касб кўникмаларини шакллантириши, ўз истеъдодини тўла намоян этишига қаратилган стратегик вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган ишловлар доирасида «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши бунинг ёрқин далилидир.

Бундай хайрли ишлар самарасида мамлакатимизда бепул улуқсиз ўн икки йиллик ягона таълим тизими шакллантирилди. Олий таълим тизимида ҳам туб ишловлар амалга оширилди, бакалаврлар ва магистрларни тайёрлаш бўйича жаҳон стандартларига ўтилди. Буларнинг барчаси ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий анъаналар ва қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди. Республика илмий-амалий анжуманида сўзга чиққан ёш мутахассисларнинг баён этган фикрлари орқали ҳам бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Улар ўз чиқишларида ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари бўйича қўллаб-қўйғулар, қарашлар ва ечимларни илгари сурди.

Одамзод азал-азалдан ўз ҳаётига дахлдор воқеа-ҳодисаларга берафқ бўлмаган. Негаки, жамият ва давлат тараққиётига таалуқли нимаки бор экан, албатта, у инсон манфаатларига хизмат қилиши керак. Шу маънода, мамлакатимизда олиб борилаётган ишловлар туб мазмун-моҳияти билан биз, ёшларнинг манфаатимиз таъминланишига қаратилмоқда.

## Беқиёс ғамхўрлик намунаси

Бунга мен пойтахтимизда ёшлар сиёсатини амалга оширишга оид икки кунлик конференцияларда иштирок этиб, яна бир қарра амин бўлдим. Ушбу анжуманда ёшларимиз эришаётган натижаларга юқори баҳо берилганидан гурурландим. Зеро, бугунги кунда ҳар биримиз қўриб-билиб турибмизки, дунёда турли воқеа-ҳодисалар рўй бермоқда. Жаҳоннинг қатор давлатлари глобал молиявий-иқтисодий инқироздан азият чекмоқда.

Бу мулоҳазаларни бежиз билдирётганим йўқ, албатта. Гап шундаки, мен ёш ав-

лодга сабоқ бераман. Фахр билан айтишим мумкинки, бизнинг ёшларимиз тинч-осуда замонада улғаймоқда. Янгидан-янги очилаётган корхоналар ҳисобига эса иш ўринлари сони кўпайиб, йигит-қизлар жа-

**Суруп**

миятда муносиб ўрнига эга бўлишапти. Бу мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсат қанчалик оқилона ва ҳаётий эканининг далилатидир.

**Лазиз ЗАЙНОВОВ,**  
Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқитувчиси.

## Хунарим — жону дилим

Ёшлиқ — орзулар фасли. Кимдир келажакда шифокор, яна кимдир тадбиркор бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Уша ниятлар ҳар бир ёшнинг билимдан бўлишига, бирон хунарининг эстагидан тутишга ўндайди.

Ўзимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, менда хунарманчиликка бўлган қизиқиш отам, уста Йўлбарс Ўтагановдан ўтган. Дадам мени ёлларига олиб бирон буюм ясашни бошлар эканлар, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин миллий хунарманчилик-гимизини қайта тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини, солиқ тўловлариданги енгиллик, бозорларимизда эркин савдо қилиш ҳуқуқини, юртимиз ҳамда чет элларда ўтказилаёт-

ганини қамолга етказишга хизмат қилади. Қолаверса, биз, ёш хунарманлар ана шу танлов жараёнида бир-биримиз билан таъриб-алмасиб, ўз малака ҳамда маҳоратимизни оширмоқдамиз.

**Рағбат**

Хунарман касбининг устаси бўлса, омад деганлари ҳамisha йўлдош бўлади. Мижозлари тунлари, шифтларга битилган нақшлар найчки мамлакатимиз, шунингдек, хориж музейларидан ҳам жой олган. Улар қўшни давлатлардан ташқари Россия, Греция, Хиндистон, Афғонистон, Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатларга етиб борган.

## Мумтоз санъат элга танитди

Мамлакатимизда ёш авлодни миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Келажак овози», «Анги авлод» каби танловлар яхши самара бермоқда. Энг муҳими, мазкур танловлар чекка туман ва қишлоқларни ҳам қамраб олаётгани ҳақиқий иқтидор эгаларини кашф этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлаётди. Бундай тадбирлар орасида, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Нихол» мукофотининг ўрни беқиёс.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Нихол» мукофоти ёшларнинг ижод майдонида баракали мунофот қилишига, ўз иқтидори орқали ўзбек санъатини дунёга олиб чиқишига катта туртки бермоқда. Бунинг самараси ўларок, нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатлардаги қўллаб-қувватлаш ҳам муносиб ўрин эгаллаб келаяпти. Буларнинг барчаси «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги конференцияда бот-бот таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг ёрқин истиқболни кўзлаб, янги авлодга бемисл меҳр ила ғамхўрлик кўрсатаётгани тўғрисида.

Бизда гўзаллик, нафосат ҳар доим қадрланган. Шу боис хунарманлар қўлида ясалган буюмлар, осориатикалар ҳамisha эъзоз ва эътиборда. Мақсадим — халқимизга ҳар жумлатдан мақбул бўладиган буюмлар, маҳсулотлар ясашидир.

**Умидилло ЎТАГАНОВ,**  
Избоскан тумани

Ғафур

Яхши куй, дилқаш хонишининг инсон руҳиятига таъсири беқиёс. Ривоят қилишларича, буюк табиб Абу Али ибн Сино баъзи хасталиқларни мушқа ёрдамида даволаган экан. Санъатга ошно туниши, ёқимли оханларнинг вужуд-вужд билан ҳис қилишда ҳикмат кўп. Қолаверса, фарзанд тарбиясида ҳам муслиқнинг алоҳида аҳамияти бор.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орнов.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50  
Тошширилди — 21.50 1 2 3 4 5